Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O'ZBEKISTON OVOZI

• 2014-yil, 16-sentabr. Seshanba • 112 (31.859) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

## 2014 йил 15 сентябрдан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси бошланди!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва Бухоро вилоят партия кенгаши ҳамкорлигида Бухоро шаҳрида «Ўзбекистон Республикасида сайлов тизими ҳамда сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти» мавзусида республика семинари ташкил этилди.











## САЙЛОВДА МУНОСИБ ИШТИРОК ЭТИШ

### ҳар бир партия ташкилотидан жиддий масъулият талаб этади

2

Муносабат

Ҳозирги вақтда дунёда тинчликни сақлаш, давлатлар ўртасида ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш масаласи ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

## Ўзбекистон тинчлик ва барқарорлик тарафдори

**Комила КАРОМОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси.**



Шу сабабли Президентимиз Ислом Каримов ўзининг ҳар бир чиқишида дунёда тинчлик ўрнатиш масаласига жиддий эътибор қаратмоқда. Бу борада дунё ҳамжамияти эътиборини ўта муҳим ҳаётий масалаларга тортмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо мамлакатлар давлат раҳбарлари Кенгашининг кенгайтирилган мажлисидаги нутқида ҳам бу борада минтақамизда ва дунёда долзарб бўлиб турган муаммолар, уларни ҳал этиш йўллари ҳақида ҳаётий асосларга эга фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Дарҳақиқат, бугун Афғонистонда юзага келаётган сурункали беқарорлик янада кескин тус олиш тенденциясига эга бўлмоқда. Ҳарбий йўл билан эса Афғонистонда ҳеч қачон тинчликка эришиб бўлмайди. Бу борада Президентимиз кўп йиллардан бери илгари суриб келаётган позиция бугунги кунга келиб ўзининг чуқур ҳаётий исботини топди.

ЎзХДП Афғонистонда тинчликка эришиш ва халқларимиз ўртасида дўстона ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш борасида Президентимиз юритаётган сиёсатни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди.

Жорий йилнинг июнь ойида Афғонистонда ўтказилган президент сайлови бу мамлакатда тинч, мустақил ва демократик давлат барпо этиш имкони борлигини кўрсатди. Энг муҳими, тўхтовсиз қон тўкиш ва зўравонликдан, кўп йиллик қашшоқлик, вайронагарчиликдан чарчаган афғон халқи шуни истамоқда.

Бундай шароитда Ўзбекистон томонидан илгари суриб келинаётган тинчликпарвар, тенг ҳуқуқли ҳамкорлик ва ўзаро ҳурматга асосланган сиёсат бугун ҳар қачонгидан ҳам муҳим ўрин тутмоқда.

Ислом Каримов таъкидлаганидек, айни пайтда сайловчиларнинг овозини қайтадан санаш ва Афғонистон президентлигига сайлов натижаларини эълон қилиш, давлатнинг янги раҳбарининг ўз вазифасини бажаришга расман киришиш жараёни чўзилаётгани мамлакатда келгусида барқарорликка эришиш борасида кучли хавотир уйғотмоқда. Бу ҳолатда хавфсизликка кўмаклашувчи халқаро кучларнинг Афғонистондан олиб чиқиб кетилиши вазиятни янада мураккаблаштириши аниқ.

Тарихнинг ўзи гувоҳ, Ўзбекистон халқи кеча ҳам, бугун ҳам Афғонистон халқи билан барқарор дўстона муносабатларни ривожлантириш тарафдори бўлиб келмоқда. Миллий манфаатлардан келиб чиқиб, икки томонлама ҳамкорликни кучайтириш позициясида турибди.

Президентимиз Ўзбекистон бундан кейин ҳам шундай йўл тутишини, афғон халқининг ўзи сайлайдиган ҳукуматни қўллаб-қувватлашини яна бир бор маълум қилди. Бутун Ўзбекистон халқининг кўнглида шу ният жо бўлган, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Чунки биз афғон халқи билан бир дарёдан сув ичиб, яхши қўшни бўлиб, тинч-тотув яшаб келганмиз. Халқларимиз ўртасидаги ҳурмат ва ҳамкорлик янада кучайиши дўстона ришталар тобора мустаҳкам бўлишини таъминлайди.

ЎзХДП: ҲИСОБОТ-САЙЛОВ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ

***Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қорақалпоғистон республика ташкилотининг VI конференцияси бўлиб ўтди. Унда ўтган беш йиллик фаолият, хусусан, Сайловолди дастури ижроси, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг бажарилишида партия ташкилотлари ҳамда депутатлик тузилмаларининг иштироки, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича олиб борилган ишлар таҳлил қилинди.***

## Ютуқ ва камчиликлардан холис хулоса чиқариш керак

Алоҳида қайд этилдики, партия Сайловолди дастурида белгиланган устувор вазифалар ижроси жамиятда ЎзХДПнинг таъсир кучини ошириш, электорат ишончини қозонишга хизмат қилади. Шундан келиб чиқиб, барча даражадаги партия ташкилотлари ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари кучни бирлаштирган ҳолда илгари сурилган вазифаларни изчил бажариш, аҳолининг ижтимоий қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд қатлами манфаатларини ҳимоя қилиш борасида қатор амалий ишларни олиб борди.

2

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, вилоят, туман ва шаҳар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов 2014 йилнинг декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбаси — 21 декабрда ўтказилади.**

ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНЛАРИ

## Инсон яхшилик қилиш учун яшайди...

**БУ — ЎзХДП ФАОЛИ, ОЛТИНКЎЛ ИҚТИСОДИЁТ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ ДИРЕКТОРИ ШУКУРЖОН МАМАТҚУЛОВНИНГ ҲАЁТ ФАЛСАФАСИ**

3



ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

## 2015 йилда яна 400 нафар

### йигит-қиз ишли бўлади

***Шовот туманида фаолият юритаётган «UZTEX SHOVOT» масъулияти чекланган жамияти йилига 6200 тонна пахта толасини қайта ишлаш имконига эга.***

Ҳозирда корхонани кенгайтириш, ишлаб чиқариш қувватини янада ошириш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Бугунги кунда корхонада 400 нафар йигит-қиз замонавий дастгоҳларда ишлаётган бўлса, келгуси йилдан бошлаб яна 400 нафар ёшни корхонага ишга қабул қилиш режалаштирилмоқда. Уларнинг аксариятини касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ташкил этади.

Айни пайтда «UZTEX SHOVOT» МЧЖ ишлаб чиқараётган маҳсулот миқдори ошиши вилоятнинг саноат салоҳиятини юксалтириш билан бирга аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

**РЎЗИМБОЙ ҲАСАН,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

**«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ўқинг**

## Давлат бюджети маблағи

**мақсадли ва самарали сарфланиши лозим**




**www.uzbekistonovozi.uz**

ШУКРОНАЛИК

## Обод маҳалла — обод турмуш

Тошкент вилоятининг Зангиота тумани Ўзгариш қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган «Жалоир», «Файзли» ва «Қумариқ» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида 20 минг нафардан кўпроқ аҳоли истиқомат қилади. Маҳаллаларимиз кундан-кунга обод бўлмоқда. Бунинг боиси, юртдошларимиз — маҳалла оқсоқоллари, меҳнат фахрийлари, пенсионерлар, устоз-мураббийлару ёшларнинг барчаси маҳалла ҳаёти билан боғлиқ масалаларда фаол иштирок этади.

Ҳукуматимиз томонидан ҳудудимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Масалан, ўтган йили маҳалламизда янги, замонавий қишлоқ врачлик пункти иш бошлади. Биз, меҳнат фахрийлари бундан жуда миннатдормиз. Шунингдек, «Жалоир», «Файзли» ва «Қумариқ» маҳалла фуқаролар йиғинлари орасидан ўтадиган йўл таъмирланиб, 5 километр масофага асфальт ётқизилди. Туманда жойлашган Зангиота ёдгорлик мажмуаси кўркамлашиб, янада гўзал манзара касб этмоқда. Бу ерга ташриф буюрган меҳмонлар ва зиёратчиларнинг баҳри дили очилади.

Айни пайтда 21, 31, 24-сон умумтаълим мактаблари ҳамда касб-ҳунар коллежи ўқувчилари ўз вақтида манзилларига етиб олиши учун пойтахтимизнинг Сергели туман маркази ҳамда Қўйлиқ деҳқон бозори билан боғловчи йўлга 4 та микроавтобус қатновини йўлга қўйиш учун «Тошшаҳартрансхизмат» акциядорлик компанияси раҳбарияти ҳамда Тошкент вилояти ҳокимлиги Транспорт хизмати кўрсатиш департаментига мурожаат қилганмиз. Яқин кунлар ичида бу масала ижобий ечим топишига ишонамиз.

Ушбу айтганларимиз маҳаллаларимизда амалга оширилаётган бунёдкорликлардан бир шингил, холос. Зотан, бундай янгиланишлар бу ерда мунтазамлик тусини олиб, маҳалладошлар турмушининг янада фаровонлашувига, ҳаёт тарзининг юксалишига хизмат қилаётир.

**Собиржон ҚОДИРОВ,**
**меҳнат фахрийси.**

ЎзХДП Марказий Кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда Тошкент шаҳар партия кенгаши ҳамкорлигида сайлов ташвиқоти давомида сиёсий реклама ҳамда PR технологияларидан унумли фойдаланиш масалаларига бағишланган семинар ташкил этди.

***Унда қандай фикр-мулоҳазалар билдирилди? Бу ҳақда газетамизнинг навбатдаги сонларидан бирида танишасиз.***



● 2014-yil, 16-sentabr. Seshanba ● 112 (31.859)-son
www.uzbekistonovozi.uz

Сайловда халқимиз қанча фаол иштирок этса, давлат ҳокимиятининг вакиллик органлари шаклланишида холислик, адолатлилик тамойиллари шунчалик устувор бўлади

# САЙЛОВДА МУНОСИБ ИШТИРОК ЭТИШ

## ҳар бир партия ташкилотидан жиддий масъулият талаб этади

Унда партия Марказий Кенгаши масъул ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар, Бухоро вилоятидаги туман ва шаҳар партия кенгашлари раислари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги гуруҳлари раҳбарлари иштирок этди.

**Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси Ҳотамжон Кетмонов** сайлов кампанияси даврида партиянинг барча даражадаги ташкилотлари, депутатлик тузилмалари, фаоллар олдида турган устувор вазифалар хусусида фикр юритди.

— Сайлов фуқаролар давлат бошқарувида иштирок этишининг демократик принципларга асосланган энг муҳим шаклидир, — деди партия етакчиси. — Шунингдек, сайловлар мамлакатни сиёсий жиҳатдан модернизация қилиш, демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият фаолиятини янгилашда муҳим аҳамиятга эга. Шу жиҳатдан олиб қарасак, сайловлар ҳар бир сиёсий партия фаолиятига холис баҳо бериладиган сиёсий жараён, ҳисобланади.

Мана, кеча Марказий сайлов комиссияси парламент ва маҳаллий Кенгашлар сайловларига сайлов кампанияси бошланишини эълон қилди. Демак, биз учун ўта масъулиятли, ҳал қилувчи давр бошланди. Яъни, партиямизнинг жамиятдаги ўрни, давлат бошқарувидаги иштироки қандай бўлиши, электоратимиз манфаатини ҳимоя қилиш бўйича қандай имкониятларга эга бўлишимиз ана шу сайловлардаги иштирокимиз ва уларнинг натижаларига боғлиқ.

Шундай экан, ҳар бир партия ташкилоти, депутатларимиз ва етакчиларимиз бу жараёнда фаол иштирок этиши, ютуқлар салмоғини оширишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоғи зарур.

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Назира Матякубова сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти ҳақида тўхталди.**

— Мамлакатимизда сайлов ўтказиш бўйича тўпланган тажриба, халқаро сайлов ҳуқуқи принциплари ҳар томонлама ҳисобга олинган ҳолда миллий сайлов тизими, сайловга оид қонунчилик тобора такомиллашиб бораяпти, — деди у. — Биргина 2014 йил 5 сентябрь куни матбуотда расман эълон қилиниб, шу кундан эътиборан кучга кирган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги тўғрисида атайлаб ёлғон маълумотларни эълон қилиш ёки бошқа усуллар орқали тарқатганлик ва бошқа масалалар юзасидан ҳам маъмурий жавобгарлик белгиланди. Булар сайлов қонунчилиги бузилишининг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблайман.

Бундан ташқари, «Марказий Сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонунга, Бюджет кодексига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар сайлов жараёнларига давлат



Қонунни олиб кўрайлик. Унга асосан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга V[1] боб киритилиб, сайлов ва референдумни ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик белгиланди.

Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларнинг фаолиятига аралашиш, худди шунингдек, уларнинг ишига тўсиқларни юзага келтириш мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда, номзоднинг, ишончли вакилнинг, кузатувчининг ёки сиёсий партия ваколатли вакилининг ҳуқуқларини бузиш, мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Шунингдек, Сайловолди ташвиқотини, референдумга қўйилган масалалар юзасидан ташвиқот олиб бориш шартлари ва тартибини бузганлик, сайлов натижаларига таъсир кўрсатиш мақсадида номзод, сиёсий партия ҳокимияти ва бошқаруви органлари, уларнинг мансабдор шахслари аралашувининг олдини олади, сайлов жараёнларини фақатгина давлат бюджетидан молиялаштирилишини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

**ЎзХДП Бухоро вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги гуруҳи раҳбари Саида Жўраева сайлов кампанияси даврида эътибор қаратиш керак бўлган айрим жиҳатлар юзасидан мулоҳаза юритди.**

— Биз сайлов кампаниясининг ҳар бир босқичида масъулият билан иштирок этиш билан бирга, кенг халқ оммаси, партиямиз электорати вакилларига партия ташкилотларимиз ҳамда депутатларимиз қилаётган амалий ишлар тўғрисида ахборот бериб боришимиз зарур. Зеро, улар партиямиз нима учун курашаётгани шу вақтгача Сайловолди дастуримиз ижроси юзасидан қандай ютуқларга эришганимиз ҳақида холис ахборотга эга бўлсин. Шунда одамлар партия ишини таҳлил этиб, унинг амалий ишларини кузатиб, сўнг овоз беради.

Мана, мисол учун бизнинг депутатлик гуруҳларимиз жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида Ҳаракат дастури асосида 12 масалани муҳокама этиши керак эди. Амалда эса ижтимоий аҳамияти юқори бўлган 22 масалани ўз йиғилишларида кўриб чиқди, 2 масала доимий комиссияларда ва 12 масала сессияларда муҳокама этилди. Халқ депутатлари Бухоро шаҳар, Жондор, Шофиркон, Қоракўл, Олот, Вобкент, Пешку, Ромитан ва бошқа бир қатор туман Кенгашларидаги ЎзХДП гуруҳлари ташаббуси билан мактабгача таълим муассасаларида олиб борилаётган ишларнинг аҳволи, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси ҳақидаги масалалар халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг сессиялари кун тартибига киритилди ва тегишли қарор қабул қилинишига эришилди.

Буларни билиш сайловчи учун ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Чунки улар амалий фаолиятига қараб сиёсий партияларга баҳо беради.

**Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Бухоро вилоят ҳудудий бўлинмаси раҳбари ўринбосари Жасур Болтабоев сайлов жараёнини ўтказишда сиёсий партияларга берилган ваколатлар ҳамда улардан самарали фойдаланиш масалаларига эътибор қаратди.**

— Эркин сайловларни амалга ошириш унда иштирок этувчи асосий субъектлар, яъни фуқаролар, сиёсий партиялар ва уларнинг депутатликка номзодлари, кузатувчилари, ваколатли вакиллари, номзодларнинг ишончли вакиллари, сайлов комиссиялари, оммавий ахборот воситалари қонунчиликда белгилаб қўйилган ўз ҳуқуқ ҳамда ваколатларидан самарали фойдаланишига боғлиқ. Конституциямизнинг 60-моддасида сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар, деб мустаҳкамлаб қўйилган. Бу эса халқ ҳокимиятчилигини таъминлаш, вакиллик ҳокимиятини шакллантиришда сиёсий партияларнинг ўрни нақадар муҳимлигини кўрсатади.

Депутатликка номзодлар кўрсатиш, сайловолди ташвиқотини олиб бориш, сайлов участкаларига ўз кузатувчилари, ваколатли вакилларини тайинлаш ва бошқа ҳуқуқлар сайлов жараёнида сиёсий партияларнинг асосий ҳуқуқлари ҳисобланади. Янгидан шаклланадиган вакиллик ҳокимияти қандай салоҳиятга эга бўлиши, мамлакат тараққиётига қанчалик даражада таъсир кўрсатиши, ҳаётий қонунлар қабул қилиниши, умуман, халқимиз ҳаёти эртага қандай бўлиши сиёсий партияларнинг сайлов жараёнида ўз ҳуқуқларидан қай даражада фойдаланиши билан бевосита боғлиқ бўлади.

Шунингдек, семинарда **ЎзХДП Бухоро шаҳар кенгаши раиси, халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги гуруҳи раҳбари Робия Козимова, Сирдарё вилоят партия кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги гуруҳи раҳбари Алишер Тошматов, Андижон вилоят партия кенгаши раиси Абдулҳамид Нурматов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Комил Очилов** ва бошқалар сўзга чиқишди.

Қайд этилдики, сайловда халқимиз қанча фаол иштирок этса, давлат ҳокимиятининг вакиллик органлари шаклланишида холислик, адолатлилик тамойиллари шунчалик устувор бўлади. Шу сабабли партия ташкилотлари сайловнинг мамлакат тақдири, эртанги кунини ҳал қилишдаги аҳамияти тўғрисида ҳам мунтазам тарғибот ишларини олиб бориши зарур. Семинарда билдирилган барча фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, сайлов кампанияси даврида Ўзбекистон ХДП олдида турган устувор масалалар белгилаб олинди.

**Бекзод ШУКУРОВ**

◀ Давоми. Бошланиши 1-бетда.

*ЎзХДП: «Фаол аёллар» қаноти*

ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти Навоий вилоят бўлими ташаббуси билан Нурота туман партия кенгашида «Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ойлиги» доирасида давра суҳбати ташкил этилди. Унда партия фаоллари, халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия гуруҳи аъзолари, ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

# Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш

## долзарб масала

ЎзХДП Сайловолди дастурида хотин-қизларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, сиёсий фаоллигини ошириш, бандлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Давра суҳбатида таъкидланганидек, мазкур ойлик доирасида ўтказилаётган тадбирлар хотин-қизларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини ошириш, иш билан таъминлаш, жамият ҳаётида ўз ўрнини топишига хизмат қилмоқда.

— Айни кунда вилоятимиздаги партия аъзоларининг 10 минг нафардан ортиғини хотин-қиз ташкил этади, — дейди **ЎзХДП Навоий вилоят кенгаши раиси Акмал Асадов**. — Ҳозирда халқ депутатлари вилоят Кенгашида 5 нафар, туман ва шаҳар Кенгашларида эса 17 нафар депутат аёл фаолият кўрсатмоқда. Айнан улар томонидан ўтган давр мобайнида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд қатлами манфаатларини ҳимоя қилиш борасида бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Барча даражадаги партия ташкилотлари хотин-қизларнинг ҳар бир таклиф ва ташаббусини қўллаб-қувватлаш ҳамда уни амалиётга жорий этишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

ЎзХДП Сайловолди дастурида уй бекалари ҳамда меҳнатда банд бўлмаган хотин-қизларни касаначилик ва оилавий тадбиркорликка кенг жалб этиш масаласига алоҳида ўрин берилган. Нурота азалдан ҳунарманд ва касаначилар юрти сифатида мамлакатимизда машҳур. Айнан нуроталик хотин-қизларнинг қўл меҳнати билан яратилган маҳсулотларга юртимизга ташриф буюрувчи сайёҳларнинг қизиқиши ниҳоятда катта. Шуни инобатга олган ҳолда депутатларимиз халқ депутатлари вилоят ва туман Кенгашлари сессияларида соҳани янада ривожлантириш билан боғлиқ масалаларни олиб чиқиши зарур. Бу ҳудудлар ривожи ҳамда бандлик масалалари ижобий ечим топишига хизмат қилади.

— Бугунги кунда мамлакатимиздаги сиёсий партиялар хотин-қизлар манфаатини ҳимоя қилиш, уларни ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда муҳим ўрин тутмоқда, — дейди **Нурота туманидаги «Баркамол авлод» болалар маркази директори Обида Саидқулова.** — Бу эса аёлларнинг жамият ҳаётида ўз ўрнига эга бўлиши, нафақат таълим, соғлиқни сақлаш, тадбиркорлик, балки сиёсий жараёнларда ҳам муносиб иштирок этишига хизмат қилмоқда. Бу борада ЎзХДП томонидан ўтказилаётган тадбирларнинг таъсирчанлиги ва самарадорлиги юқори бўлмоқда. Ушбу ойлик доирасида ўтказилаётган тадбирларда биз каби ҳамкор ташкилотларнинг таклиф этилаётгани унинг қамрови янада кенгайишига туртки беради.

Давра суҳбати сўнггида ўз ишини йўлга қўймоқчи бўлган хотин-қизлар ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига тижорат банкларидан имтиёзли кредит олиш шартлари, уларга яратилган имкониятлар ҳақида тушунчалар берилди. Бу каби учрашувлар вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида давом этмоқда.

**Илҳом САТТОРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

# Ютуқ ва камчиликлардан холис хулоса чиқариш керак

*ЎзХДП: ҳисобот-сайлов конференциялари*

Бугун Қорақалпоғистон Республикасида ЎзХДПнинг 611 бошланғич ташкилоти фаолият юритаяпти. Партия аъзоларининг 11527 нафарини хотин-қиз, 7795 нафарини ёшлар ташкил этади. Ўтган давр мобайнида мафкуравий йўналишда 328 сиёсий семинар ташкил этилиб, уларда 12 мингдан ортиқ партия аъзоси қамраб олинди.

— Ўтган йили партиямиз ташкилотлари ва гуруҳлари томонидан ҳудудларни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш билан боғлиқ муайян ишлар олиб борилди. Туман ва шаҳар Кенгашларидаги ЎзХДП гуруҳлари сессиялар муҳокамасига электорат манфаатлари ҳимоясига қаратилган қатор масалаларни киритди, — деди **ЎзХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши раиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати Қуватбой Қурбанбаев.** — Масалан, ҳисобот даврида партия гуруҳлари томонидан аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш ва партия электорати манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига 250 дан ортиқ депутатлик сўрови юборилган. Шунингдек, доимий комиссияларга 35, сессиялар кун тартибига эса 22 масала киритилди. Уларда ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, қишлоқ жойларида сервис ва хизмат кўрсатиш соҳасини янада ривожлантириш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш ҳамда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш масалалари муҳокама марказига қўйилди.

Конференцияда сўзга чиққанлар партия фаолиятига дахлдор барча йўналишлар бўйича олиб борилган ишларни аниқ мисоллар асосида таҳлил этишди. Маҳаллий партия кенгашлари қошида ташкил этилган Жамоатчилик қабулхоналарида мурожаатлар билан ишлаш тизими ва унинг самараси, «Фаол аёллар» ва «Истиқбол» ёшлар қаноти фаолияти юзасидан ахборот берилди.

Қайд этилдики, электорат муаммоларини ўрганиш ва унинг ечимини топишда Жамоатчилик қабулхоналари муҳим ўрин тутмоқда. Ҳисобот даврида қабулхоналарга қарийб 2000 мурожаат тушган бўлса, уларнинг 80 фоизидан ортиғи ижобий ҳал этилган. Электорат вакилларининг кўплаб мурожаатлари асосида партия гуруҳлари касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш бўйича жойларда олиб борилаётган ишларни ўрганиб чиқди ва таҳлил этди. Шу асосида мазкур масалалар сессиялар муҳокамасига олиб чиқилди. Хусусан, Беруний, Амударё, Кегейли туманларида уч томонлама тузилган шартномалар шартларининг бажарилиши, битирувчиларни қонуний иш билан банд бўлиши билан боғлиқ масалалар бўйича назорат-таҳлил ишлари олиб борилди.

Конференцияда, шунингдек, партиянинг ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳалари, уларнинг амалий натижалари ҳақида ҳам сўз юритилди. Таъкидландики, ҳисобот даврида партия Марказий Кенгаши ташаббуси билан ҳамкор ташкилотлар кўмагида «Оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш орқали янги иш ўринлари яратиш имкониятлари» ҳамда «Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини молиявий қўллаб-қувватлаш орқали янги иш ўринлари ташкил этиш» каби мавзуларда иқтисодий-ижтимоий анжуманлар ташкил этилди. Уларда касб-ҳунар коллежларининг 143 нафар битирувчиси ва тадбиркорлик билан шуғулланувчи ёшларга кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди. Бугун мазкур йигит-қизларнинг аксарияти ўз ишини йўлга қўйган.

Бундан ташқари «Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази» лойиҳаси доирасида жойларда мингдан ортиқ турли тадбирлар ва давра суҳбатлари ўтказилди. Уларда юздан ортиқ масалалар юзасидан мурожаатлар келиб тушган ва депутатлар, ҳамкор ташкилотлар кўмагида ижобий ҳал этилаяпти.

Иштирокчилар конференция давомида партия электорати манфаатларига бевосита дахлдор бўлган иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий масалаларга доир партия позициясини кенг тарғиб қилиш, унинг мазмун-моҳиятини тушунтириш, самарадорлигини янада ошириш лозимлигига эътибор қаратишди. Фаоллар, депутатлар партия ишини кучайтириш бўйича фикр-мулоҳазалар, партия Сайловолди дастурига таклифлар билдиришди.

**Қазақбай ЖАНИБЕКОВ, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги ЎзХДП гуруҳи раҳбари:**

— Аҳолининг ижтимоий муҳофазасини таъминлашдаги асосий масалалардан бири бу — норасмий меҳнат билан банд бўлган кишиларнинг меҳнатини қонуний асосда ташкил этишдан иборат. Пенсия таъминотига муҳтож бўлган қатламни, уларнинг ҳаётий эҳтиёжларини тўлақонли қондиришда бунинг аҳамияти катта.

**Фақат қонуний йўл билан меҳнат қилаётган одамгина ишончли ижтимоий ҳимояланиши мумкин.**

Киши меҳнат қилаяптими, демак, у давлат томонидан берилаётган барча имтиёзлардан тўлиқ фойдаланиш, вақти келганда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлиши керак. Фақат қонуний йўл билан меҳнат қилаётган одамгина ишончли ижтимоий ҳимояланиши мумкин.

**Бу бевосита партиямиз электорати манфаати билан боғлиқ. Шунинг учун ЎзХДП ташкилотлари ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги гуруҳларимиз мазкур йўналишда олиб борилаётган ишларни мунтазам назорат қилиши, фуқароларнинг қонуний меҳнатини ташкил этиш ҳамда пенсия ва нафақаларнинг тўғри таъминланиши устидан тизимли мониторинг ўрнатиши зарур. Электоратимиз манфаатларини ҳимоя қилишда бу муҳим аҳамият касб этади.**

Конференциядан сўнг ЎзХДП Қорақалпоғистон республика кенгашининг биринчи пленуми ўтказилди. Унда ташкилий масала кўрилиб, **Қуватбой Қурбанбаев** партиянинг Қорақалпоғистон республика кенгаши раиси этиб қайта сайланди.

**Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,**
**Мнажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбирлари.**

◀ Давоми. Бошланиши 1-бетда.

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

# Маҳаллада тикув цехи иш бошлади

## натижада 11 нафар хотин-қиз бандлиги таъминланди

***Шўрчи туманидаги Бобур номли маҳалла туман марказидан 5 километр олисда жойлашган бўлиб, 3 минг 500 нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. 650 оила, 535 хонадон бор. Уларнинг асосий қисмини ёшлар ва хотин-қизлар ташкил қилади.***

Яқинда маҳалла ҳудудида «Шўрчи-дон омад» шуъба корхонаси ташаббуси билан тикув цехи иш бошлади. Замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган цехда махсус иш кийимлари тайёрлаш йўлга қўйилди. Арзон, сифатли ва харидоргир маҳсулотлар пешма-пеш мижозларга етказиб берилмоқда. Айни кунларда бу ерда эркак ва аёллар кийимлари ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйиш борасида изланишлар олиб борилмоқда. Шундан сўнг яна 8 нафар ёш бандлиги таъминланиши кўзда тутилмоқда.

— Ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам вакилларини қўллаб-қувватлаш устувор вазифалардан бири, — дейди **халқ депутатлари Шўрчи туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси «Шуҳрат» медали соҳиби Райҳона Раҳимова.** — Ўтган йили маҳаллада 20 дан ортиқ турли савдо шохобчалари, маданий-маиший марказлар иш бошлаши муносабати билан, 50 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилган эди. Эзгу ишлар давом этган ҳолда жорий йилнинг ўтган даврида яна ўнга яқин ишлаб чиқариш объектлари фойдаланишга топширилди ҳамда 30 дан ортиқ хотин-қиз ва қишлоқ ёшлари бандлиги таъминланди.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

# Инсон яхшилик қилиш учун яшайди...

**БУ — ЎзХДП ФАОЛИ, ОЛТИНКЎЛ ИҚТИСОДИЁТ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ ДИРЕКТОРИ, ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ ШУКУРЖОН МАМАТҚУЛОВНИНГ ҲАЁТ ФАЛСАФАСИ**

*Ўзбекистон қаҳрамонлари*

Президентимизнинг «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини бериш тўғрисидаги фармони эълон қилинган кун Олтинкўл туман ҳокимлигида катта тантанали йиғин бўлди. Унда олтинкўлликлар Ўзбекистон Қаҳрамони Шукуржон Маматқулов ҳақида, унинг ишлари хусусида илиқ фикрларни айтишди. Шу куни фидойи муаллим бағри анвойи гулларга тўлиб кетди.



Хурсандбек АРАББОЕВ олган сурат.

Мана, орадан кунлар ўтсада, ҳозир ҳам нуфузли меҳмонлар, ҳамкасблар, дўсту қадрдонлар, қариндош-уруғлар, таниш-нотанишлар қутлови давом этмоқда... барчанинг тилида хушкалом: «қутлуғ бўлсин, эшитиб хурсанд бўлдик».

Агар одам боласи бошқаларга ҳамиша яхшилик соғиниб яшаса, йўли очиқ бўлар экан. Отадан эрта етим қолган Шукуржон рўзғорнинг юкини онасининг елкасига ташлаб қўймади. Тенгдошлари ўйнабкулиб юрганда у меҳнат қилди. Машаққатлардан қочмади. Ҳаётда ўз ўрнини, йўлини топишга интилди. Ундан миннатдор бўлиб, доимо орқасидан дуо қилиб қолишарди. Ана шу покиза ниятларга йўғрилган дуолар ижобатини топган бўлса, не ажаб?!

...Кўзларида ҳайрат ва ҳавас, ўзига ишонч ёниб турган йигит бир дунё китоб-дафтар билан Тошкентга отланди. Онаизор умид билан ортидан кўз тикиб қолди. Шукуржон юрагини ёндириб, борлиғини илмга бағишлади. Илмнинг оғир, мураккаб, сабот ва матонатли йўлини босиб ўтди. Фан номзодлиги ҳимояси, Олий ўқув юртидаги ўқитувчилик даври, кейин кафедра мудири, проректор... ва бирдан шаҳардан узоқдаги Олтинкўл иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи директорлиги. Унинг меҳнат дафтарчасига кўз ташласангиз, мана шу босқичларни кўрасиз. У 1999 йилда коллежда иш бошлади. Ўшанда бу ерда ҳаминқадар бир ўқув маскани бор эди. Бир кун келиб, шундай бир коллеж ташкил топиб, мамлакатга довруғ таратади, десалар ҳеч ким ишонмаслиги табиий эди. Директор шунақа — тиниб-тинчимас, янгиликка ўч, тўғри маънода бировларга ҳам тинчлик бермайдиган, ўзи оловдай ёниб, бошқаларни ҳам ёндирадиган одам.

Тез орада коллежда юқори педагогик маҳорат, ўқув-услубий салоҳиятга эга бўлган профессор-ўқитувчилар жамоаси шаклланди. Ҳозир икки нафар фан доктори, профессорлар, олти нафар фан номзоди, доцентлар ва ўз ишининг устаси бўлган тажрибали педагоглар, шунингдек, иқтидорли ёшлар ўқувчиларга таълим-тарбия бермоқда.

Ўқитишнинг замонавий интерфаол усулларидан фойдаланиб, техник воситаларни кенг қўллаган ҳолда машғулотлар ташкил этиш, ноанъанавий илғор технологик жараёнларни жорий этишдан тортиб, коллеж ҳудудидаги тартиб-интизом доимий назоратда. Дарс машғулотларининг ўзаро таҳлили ва тажриба алмашинуви, профессор-ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратини янада ошириш масаласига мунтазам эътибор қаратилади.

Ҳар йили 43-45 нафардан ўқувчи фан олимпиадаларининг вилоят босқичларида қатнашади, аксарияти республикага чиқади ва ғолиб бўлади. Ўтган йили уч нафар ўқувчи республика фан олимпиадасида қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллади. Уларнинг муаллими — информатика фани ўқитувчиси Фарҳодбек Рўзиев «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.

Коллеж 2005 йилдан буён республикада «Энг намунали таълим муассасаси» деган эътирофга сазовор бўлиб келмоқда. Бу ерда «Ўзбекистон янги аср дастури», «Европа таъсис банк тизимларини ривожлантириш», «Иқтисодиётни эркинлаштиришнинг минтақавий муаммолари» лойиҳалари ҳамда мавзулари доирасида Англия ва германиялик олимлар билан ҳамкорликда илмий-амалий конференциялар, семинарлар ўтказиш йўлга қўйилган.

Коллеж ташкил топганидан буён уни 3 минг 477 нафар ўқувчи битирди. Бугунги кунда улар турли соҳаларда меҳнат қилишади. Бу йил мазкур коллежни беш йўналиш бўйича 471 ўқувчи тамомлади. Уларнинг 18 нафари университетга ўқишга кирди. 374 нафар битирувчи ишга жойлашди. Ўқув йили давомида ва амалиёт даврида уларни иш билан таъминлаш, уч томонлама шартномаларни тўлиқ бажарилишига эришилмоқда.

> Шукуржон Маматқулов бир неча йиллар давомида депутат сифатида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, ЎзХДП дастурий мақсадларини амалга оширишда фаол иштирок этди.

Олтинкўл туманида Шукуржон Маматқулов билан узоқ йиллар бирга ишлаган қадрдони — **Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, журналист Назиржон Саидов** шундай дейди:

— Туманда ишлаётган пайтимда бир отахон билан ҳамсуҳбат бўлдим. У Фарғонанинг Олтиариғидан келган экан. Оқсоқол: «Неварамни Маматқуловнинг мактабида ўқитаман, деб олиб келдим. Жуда тартибли коллеж, дейишди, ўқувчилари институтларга бемалол кириб кетар экан»...

Ҳақиқатан ҳам коллеждаги ўқув жараёнлари, тартиб-тамойиллар ҳар қандай эътирофга лойиқ. Банк ва Молия академиялари ҳамда республикамиздаги еттита нуфузли олий ўқув даргоҳлари билан ҳамкорлик ўрнатилганлиги бу ерда илмий-педагогик муҳитнинг юқори даражада бўлишининг асосий омилидир.

Шукуржон Маматқулов ўқувчиларини катта ишларга руҳлантиради. Улар «Истеъмолчи ҳуқуқи», «Солиқ билимдони», «Ҳуқуқ билимдонлари», «Менинг бизнес ғоям» кўрик-танловлари республика босқичларида муносиб ўринларни оляптилар. Шунингдек, «Заковат», «Сарҳадларимиз мустаҳкамлиги — тинчлигимиз пойдевори», «Конституция — бахтимиз пойдевори» кўрик-танловининг вилоят босқичида 1-ўринни қўлга киритишди.

Учинчи курс ўқувчиси Дурдона Ғафурова ўтган йили «Ишбилармон талаба-2013» республика кўрик-танловида 1-ўринни олди. Яна бир ўқувчи — Ойгул Қурбонова «Ораста қизлар» фестивалининг мамлакат босқичида Андижон вилояти жамоасига сардорлик қилмоқда.

Коллежда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш мақсадида 2005-2009 йиллар мобайнида футбол, қўл тўпи, енгил атлетика майдонлари ҳамда замонавий талаблар асосида сузиш ҳавзаси, тренажёр заллари каби иншоотлар асосан бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига ҳашар йўли билан барпо этилди. 11 турдаги спорт тўгараклари фаолият кўрсатяпти. «Баркамол авлод» спорт ўйинларида ўқувчилар 17 олтин, 10 кумуш, 7 бронза медалларини қўлга киритди. Бу ердан спортнинг кураш, муайтай, комбат-айкидо турлари бўйича республика чемпионлари етишиб чиққан.

Шукуржон Маматқулов 2 нафар фан доктори, 22 нафар фан номзоди етиштирди. «Иқтисодиёт асослари», «Тармоқлар технологияси», «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик: ташкил этиш, режалаштириш» дарсликлари, «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида меҳнат, иш ҳақи ҳисоби ва аудити», «Миллий истиқлол ғояси» сингари 17 дан ортиқ ўқув қўлланмалар яратди. Бугунги кунда улар республика таълим муассасаларида кенг қўлланилмоқда.

Биз Ўзбекистон Қаҳрамони билан унинг мўъжазгина хонадонида мулоқотда бўлдик. Мана шу суҳбат давомида ҳаёт ҳақиқатлари битилган китобни ўқидик. Мана, ундан айрим саҳифалар:

— Шаҳар муҳити барибир бошқача экан. Олтинкўлда иш бошлаган кунларимда салкам 40 йил хўжаликни бошқарган раис, Республикада хизмат кўрсатган пахтакор Мамажон Ҳамраев билан танишдим. Уни устоз деб билдим. У кишидан ҳар бир ишни виждонан бажаришни, қатъий тартиб-интизомни, саришталикни, одамни таниш ва қадрига етишни ўргандим. Киши ўзи бош бўлган жойда каттаю кичикни, пасту баландни, яхши ва ёмонни бирдай билиши зарур экан. Сиз яхшилик қилиб яшанг, яхшилик барибир қайтади - мана шу эътиқодга амал қилишдан чарчамаслик керак.

Шукуржон Маматқулов коллеж директори бўлиб иш бошлаганида яна бир жиҳатга — қурилиш-таъмирлаш, ободонлаштириш ва экологик муҳитни яхшилашга алоҳида эътибор бергани, гулзорлар, кичик хиёбонлар барпо этганлиги, тераксор ташкил қилиб, ундан чиққан даромад эвазига ҳашар йўли билан 4 бино қурдиргани, ҳамиша одамларга қулайлик яратишга интилгани унга эл-юрт ўртасида катта обрў, иззат-ҳурмат олиб келди.

Коллеж ҳовлиси ортидаги ташландиқ жой ўрнида ёрдамчи хўжалик ташкил этилди. 3 иссиқхона, экологик талаблар ҳисобга олинган ҳолда чорва боқиладиган шохобча, бўш майдонлардаги сабзавот экинлари қўшимча даромад манбаига айланди.

У Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси сифатида ҳам фидойилик кўрсатиб, меҳнат қилиб келмоқда.

— Шукуржон Маматқулов бир неча йиллар давомида депутат сифатида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, партия дастурий мақсадларини амалга оширишда фаол иштирок этди, — дейди **ЎзХДП Олтинкўл туман кенгаши раиси Сабохон Ҳайдарова**. — Шуни айтиш керакки, у кишининг тажрибаси, партия ишига бўлган муносабати бугунги депутатлар учун ҳам намуна бўла олади. Партиямиз фаоли ҳозирги кунда ҳам иш ўринлари ташкил этиш, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш масалаларида халқ депутатлари вилоят, туман Кенгашидаги партия гуруҳларига ўз таклифлари, маслаҳатларини бериб келмоқда. Партиядошимизнинг «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони билан тақдирланганди бутун вилоятимиздаги партия аъзоларининг кайфиятини кўтарди, руҳлантирди. Албатта, сафимизда ана шундай инсонлар бор экан, партиямизнинг жамиятдаги нуфузи, обрўси янада ошиб бораверади.

Устознинг инновацион лойиҳалар тарғиботчиси сифатидаги ишлари ҳам соҳа мутахассислари томонидан тан олинган. У киши қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Ўзбекистон қишлоқ хўжалик илмий ишлаб чиқариш маркази вилоят бўлими кенгашининг аъзоси. Бу борада ҳам унинг иккита илмий-услубий қўлланмаси нашрдан чиқди.

Президентимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш» концепцияси, «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» каби асарларини ўқитиш бўйича дастур ва қўлланмалар тайёрлади.

Ҳозир у Президентимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» асарини ўқитиш ва тарғиб қилиш йўналишида «Раҳбар фаолияти самарадорлигини оширишнинг назарий ва амалий жиҳатлари» рисоласи устида иш олиб бормоқда.

Устоз Андижон туманидаги Орол қишлоғида туғилиб ўсган. Унинг ҳовлиси ҳамиша анвойи гулларга тўла. Домланинг турмуш ўртоғи Сайёра опа иқтисодчи. Қизи Саида Андижон давлат университетида ўқитувчи, бир ўғли фермер, яна бири ота изидан боряпти, олим, фан номзоди.

— Яхши яшаш учун интилиш керак, — дейди **Ўзбекистон Қаҳрамони Шукуржон Маматқулов**. — Одам боласи ҳалол меҳнат қилиб яхши яшашга минг карра ҳақли. Бир ишнинг бошини тутдингми, уни бус-бутун англаб, бутун борлиғингни бериб, ҳаракат қилишинг керак. Яхши ишласанг, обрў топасан, яхши яшайсан. Атрофга боқиб, одамларнинг юз-кўзларида Мустақиллик берган неъматлардан шукроналикни, Юртбошимиз раҳнамолигида рўёбга чиқарилаётган буюк ўзгаришлардан мамнуниятни, келгуси кунларга мустаҳкам ишончни кўриб, умримиз беҳуда ўтмаётганлигини ҳис қиламан. Биз ҳамма нарсага яхши кўз билан қарашни ўрганяпмиз, кўнглимиз кенг, бағримиз бутун бўлиб боряпти. Ёнингизда турган одамнинг кўнглини сўранг, унга яхшилик қилинг, агар бунинг уддасидан чиқа олмасангиз, яхши гап айтинг. Бир-бирimизнинг қадримизга етиб, яшашнинг ўзи саодат эмасми?..

**Абдумутал АБДУЛЛАЕВ,
Аҳмадилло СОЛИЕВ,
Ғолибжон АБДУЛЛАЕВ.**

**РЕКЛАМА**

# «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ

**2014 йил 7, 9, 14 ва 16 октябрь кунлари бошланғич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибида ўтказиладиган такрорий очиқ аукцион савдосига таклиф этади**

**Очиқ аукционга Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 101-уйда жойлашган, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг қуйидаги хўжалик жамиятлари устав фондидаги 100 фоиз улушлари қайта қўйилмоқда:**

| Т/р | Объект номи | Сотилаётган объект | | Аукционга қўйилаётган объект бошланғич баҳоси | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | Манзили | Асосий фаолият йўналиши | Сўм | АҚШ доллари |
| 1 | «ANDIJON CHARM» МЧЖ | Андижон вилояти, Олтинкўл тумани, Оқтепа қишлоғи | Йирик ва майда шохли мол терисини қайта ишлаш ва чарм маҳсулотлари ишлаб чиқариш | 6 003 004 740,0 | 2 943 226,49 |
| 2 | «SOGDIANA PIPEPLAST» МЧЖ | Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри, Тошкент кўчаси, 1-уй | Полиэтилен қувурлар ишлаб чиқариш | 3 145 245 000,0 | 1 542 089,14 |
| 3 | «GAZALKENT STONE» МЧЖ | Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Заводская кўчаси, 1-уй | Гранит ва мармар плиталар ишлаб чиқариш | 5 790 000 000,0 | 2 838 791,92 |
| 4 | «XUMO TO'QIMACHI» МЧЖ | Фарғона вилояти, Учкўприк тумани, Наврўз шоҳ кўчаси, 2-уй | Ип-калава ишлаб чиқариш | 10 454 271 000,0 | 4 747 194,17 |

**Очиқ аукцион шартлари:**

Аукцион ғолиби улуш сотилиш баҳосининг 15 фоизи миқдоридан кам бўлмаган маблағни аукцион ўтказилганидан сўнг бўнак пули сифатида, қолган қисмини олди-сотди шартномасида белгиланган муддатда сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Савдо объекти, хўжалик жамияти фаолиятини тиклаш мақсадида киритилган маблағлар харидор томонидан белгиланган муддатларда тўлаб берилиши шарти билан сотилади.

Аукционда сотилаётган объектлар бўйича сотиб олиш учун тўловлар бир йўла ёки сотиб олиш суммасининг қолдиғига фоизлар ҳисобланмасдан бўлиб-бўлиб, шунингдек, сотиб олиш учун тўловлар тўлиқ тўлангунга қадар объектни ўзгага бериш ва учинчи шахсларга гаровга (ипотекага) қўйиш ҳуқуқисиз (сотувчи — «Ўзмиллийбанк» бундан мустасно) тўланади.

Сотиб олиш учун тўловларни бўлиб-бўлиб тўлаш муддати 7 йилдан ошмаслиги лозим.

Ҳужжатларни расмийлаштиришда зарур бўладиган давлат божи, гаров таъминотини таъминлаш билан боғлиқ харажатлар (шу жумладан, нотариал тасдиқлаш, объектни баҳолаш ва суғурталаш билан боғлиқ харажатлар), аукцион ташкилотчисига тўланадиган комиссион тўловлар, аукцион ташкилотчисининг аукционни ташкиллаштириш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатлари ҳамда юзага келадиган бошқа барча харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**Аукционда иштирок этиш учун талабгор қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:**

❖ **юридик шахслар учун** — давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси, шунингдек, аукционда иштирок этиш учун ваколатли вакил номига, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

❖ **жисмоний шахслар учун** — паспорт (истиқомат гувоҳномаси) нусхаси, аукционда ваколатли вакил қатнашган тақдирда эса, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

❖ аукцион тўғрисида эълонда кўрсатилган банк ҳисобрақамига закалат ўтказилганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси.

Аукционда иштирок этиш учун талабгорлар томонидан, аукционга қўйилаётган «Andijon Charm» МЧЖ, «Sogdiana Pipeplast» МЧЖ, «Gazalkent Stone» МЧЖдаги улушлар бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида ҳамда «Xumo To'qimachi» МЧЖдаги улуш бошланғич баҳосининг 3 фоизи миқдоридаги закалат пулларини «Toshkent universal auktsion savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: 2020 8000 704 929 318 001, МФО: 00425, СТИР: 302071274.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш, расмий иш кунларида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва аукцион ўтказиш бошланишидан камида уч соат олдин тўхтатилади.

Ушбу банк улушлари сотилаётган корхоналар билан уларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилига бориб танишиш мумкин.

Очиқ аукцион белгиланган кунлари соат 11:00да бошланади ва Тошкент шаҳри, Мирobод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (Мажлислар зали) манзилида бўлиб ўтади.

**Мурожаат учун манзиллар ва алоқа воситалари:**

**Сотувчи (Банк):** Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 101-уй; телефон (8–371) 234-11-22, 234-15-60.; телефакс: (8–371) 234-43-31.

**Аукцион ташкилотчиси:** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А» уй, 4-қават, 401-хона; телефон: (8–371) 233-02-49; телефакс: (8–371) 233-23-40, электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru

**Гувоҳнома № 005357**



# Кейинги юз йилда

**ҳарорат қанчага кўтарилган?**

**Иқлим ўзгаришларини ўрганиш бўйича ҳукуматлараро экспертлар гуруҳи томонидан олиб борилган кейинги 7 йиллик кузатув натижалари шундан далолат бермоқдаки, дейилади ИТАР-ТАСС ахборотида, кейинги юз йилда она сайёрамиз атмосфераси ҳарорати 0,74 даражага кўтарилган.**

2007 йилдан буён дунёнинг 259 нафар етакчи эксперти иштирокида иқлим ўзгаришлари ўрганилмоқда. Кузатув-тадқиқот натижалари бўйича улар томонидан тайёрланган маъруза 1500 саҳифадан ҳам ортиб кетди. Маърузада дунё иқлим ўзгаришлари кимёвий ва физикавий нуқтаи назардан чуқур таҳлил қилинган.

Ҳароратнинг глобал кўтарилиши ва унинг сайёрамизга салбий таъсири қайд этилаётгани кузатувда қатнашган экспертлар томонидан бир овоздан тасдиқланган. Бу эса қатор хавфли табиий ҳодисаларни юзага келтириши эҳтимолдан холи эмас.

«Росгидромет»нинг Бош географик обсерваторияси директори Владимир Катцевнинг айтишича, сайёрамиз ҳарорати бир асрдан ортиқроқ вақтдан бери аста-секин кўтарилиб бормоқда. Бунга сабабчи бўлаётган «парник газ»



лари концентрацияси ўсиб бораётгани ҳаёт учун хавфлидир. Бундан одамзод хулоса чиқариши керак. Ҳароратнинг глобал кўтарилиши, айниқса, Шимолий ярим шар кенгликларида яққол кўзга ташланмоқда: музликларнинг эриши тезлашиб бормоқда.

Россия Фанлар академиясининг Океанология институти лабораторияси етакчиси Сергей Гулевнинг таъкидлашича, кейинги 18 йиллик кузатувлар дунё океани сатҳи кўтарилиб бораётганини тасдиқлади. Мазкур кўтарилиш йилига 3 миллиметрни ташкил этаётгани океан қирғоқларида жойлашган давлатлар иқтисодиётига ўз салбий таъсирини кўрсатмай қолмайди.

# Дизель ёнилғиси

**бензинга қараганда зарарлироқ**

**Буюк Британияда дизель ёнилғиси бензинга қараганда анча зарарсиз бўлиб, бу борада электромобиллардан кейинги ўринда туриши ҳақидаги реклама роликлари намойиш қилинганига ҳали узоқ вақт бўлгани йўқ.**




Бироқ кейинги тадқиқотлар бу ёлғон эканлигини, дизель ёнилғиси ишлаб чиқарувчиларнинг уйдирмасидан бошқа нарса эмаслигини тасдиқлади. Яъни дизель ёнилғисидан фойдаланиш натижасида атроф-муҳитга бензинда ҳаракатланадиган автомобиллардан кўра кўпроқ зарар етказиларкан — дизель ёнилғисида ишловчи автомобиль атроф-муҳитга қора тутун буркситиб, бронхит ва юрак касалиги юзага чиқишига сабаб бўлувчи азот оксидини кўп миқдорда чиқараркан.

2012 йили Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти дизель тутунини болалар мияси ривожига акс таъсир этувчи канцерогенлар рўйхатига киритганлигини ҳам унутмаслик лозим.

Британия тиббиётчилари маълумотларига қараганда, мамлакатда йилига 7 мингга яқин киши айнан дизель ёнилғиси таъсири оқибатида келиб чиққан хасталикдан нобуд бўлмоқда.

Ачинарлиси, дейилади «Мир новостей» ҳафталиги тарқатган ахборотда, мамлакатда шамол генераторлари ёки қуёш батареялари ишламай қолган пайтда, аниқроғи, энергия узатиш тўхтаганда минглаб дизель генераторлари ишга тушади. Бу эса автомобиллар чиқараётган тутунга қўшимча бўлмоқда.

Эндиликда Европа шаҳарларида бундай ёнилғи билан ҳаракатланувчи автомобиль эгаларига алоҳида солиқ жорий қилинмоқда. Лондонда дизель двигатели машина эгалари 20 фунт миқдорида солиқ тўлайди. 2020 йилдан эса дизель ёнилғиси билан ҳаракатланувчи Европадаги машина эгаларига 10 евро миқдорида солиқ жорий қилинади.

Юксак савияда ташкил этилган жаҳон чемпионати Ўзбекистон яна бир бор мана шундай йирик спорт мусобақаларига мезбонлик қилиш борасида катта салоҳиятга эга эканлигини кўрсатиб берди

# Спорт оламида янги саҳифа

## очган жаҳон чемпионати Тошкентда муваффақиятли ўтказилди

**Эркин, юнон-рум ва аёллар кураши бўйича бир ҳафта давом этган беллашувларда дунёнинг юзга яқин давлатидан саккиз юз нафардан зиёд полвон ғолиблик учун курашди. Унда мухлислар кўплаб номдор спортчилар — Олимпия ўйинлари ва жаҳон чемпионатлари ғолиб ҳамда совриндорларининг беллашувига гувоҳ бўлдилар.**

— Мазкур жаҳон чемпионати спорт курашлари ривожи йўлида ўзига хос тарихий мусобақа бўлиб қолади, — дейди **Бутунжаҳон кураш иттифоқи (UWW) ижроқўми аъзоси, профессор Ахрол Рўзиев.** — Биринчидан, бу ерда ўтказилган конгрессда Бирлашган кураш усуллари халқаро федерацияси (FILA) фаолияти тубдан ўзгартирилди. Эндиликда бу йирик халқаро спорт ташкилоти — Бутунжаҳон кураш иттифоқи (UWW) деб номланади ва буткул янгиланган ҳолда қайтадан фаолият бошлайди.

Мусобақаларнинг дастлабки кунида эркин кураш бўйича полвонимиз Бекзод Абдураҳмонов (70 кг) шоҳсупанинг фахрли учинчи поғонасига кўтарилди.

Юнон-рум кураши бўйича кечган беллашувларда эса ҳамюртимиз Элмурат Тасмуратов (59 кг) ўз вазн тоифасида жаҳон чемпионати совриндорлари қаторига киришга муваффақ бўлди. Истеъдодли спортчимиз мусобақа ярим финалигача барча рақибларини катта устунлик билан енгган бўлса, финал йўлланмаси учун кечган учрашувда эронлик курашчига кичик фарқ билан имкониятни бой бериб қўйди.

Бронза медали учун ўтган беллашувда Элмурат Тасмуратов кубалик Исмаэл Баррерони қийинчиликсиз мағлуб этди. Ҳамюртимизга рақибини енгиши учун атиги 22 сония кифоя қилди.



Суратда: бронза медали совриндори Элмурат Тасмуратов.

ЎзА олган сурат.

— Беллашувларни кузатар эканман, жаҳон чемпионати мезбонлигини Тошкентга топширишда тўғри қарор қилганимизга ишонч ҳосил қилдим, — дейди **Бутунжаҳон кураш иттифоқи (UWW) президенти Ненад Лалович.** — Юртингизга аввал ҳам бир неча бор келганман. Юксак савияда ташкил этилган жаҳон чемпионати Ўзбекистон яна бир бор мана шундай йирик спорт мусобақаларига мезбонлик қилиш борасида катта салоҳиятга эга эканлигини кўрсатиб берди. Бугун Ўзбекистон барча жабҳаларда, жумладан, спорт соҳасида ҳам дунёда ўз ўрнига эга. Президент Ислом Каримов томонидан болалар спортини ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётгани, барча ёшдаги ўғил-қизларни қамраб олган уч босқичли спорт ўйинлари ўтказилаётгани натижасида Ўзбекистон спортчилари халқаро майдонда улкан ютуқларга эришмоқда. Мамлакатингизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш йўлида ҳаётга татбиқ этилаётган амалий ишлардан дунёнинг кўплаб давлатлари ҳар қанча ибрат олса арзийди. Бир сўз билан айтганда, полвонларингизнинг келгусидаги ютуқлари янада катта бўлишига ишонаман. Бунинг учун эса Ўзбекистонда барча шарт-шароитлар яратилган…

**Эркин ХОЛБОБО,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

СПОРТ

**Пойтахтимизда теннис бўйича аёллар ўртасида ўтказилган анъанавий «Tashkent open» халқаро турнири якунланди.**

# «Tashkent open»

## кашфиётлари

Мусобақанинг яккалик баҳслари финалида италиялик Катрин Кнапп турнирнинг ўтган йилги ғолиби Божана Йовановски (Сербия) билан куч синашди. Унда чинакам маҳорат намойиш этган италиялик теннисчи ғалаба қозонди — 6/2, 7/6(4).

Бу ғалаба Катрин Кнаппга 43 минг АҚШ доллари миқдоридаги мукофот билан биргаликда WTA таснифида 280 очко тақдим қилди. Мусобақа финалчиси Божана Йованоски эса 21 минг 400 АҚШ доллари ва 180 очкони қўлга киритди.

Жуфтлик беллашувлари ҳам муросасиз ва шиддатли кечди. Финалда россиялик Маргарита Гаспарян/Александра Панова «дуэти» Александра Крунич (Сербия)/Катерина Синиакова (Чехия)ларга имкониятни бой берди — 2/6, 1/6.

Эслатиб ўтамиз, умидли теннисчимиз Нигина Абдураимова илк маротаба «Tashkent open» халқаро турнирининг ярим финалида иштирок этди. Гарчи, у финал йўлланмаси учун ўтган учрашувда ютқазган бўлса-да, мазкур мусобақада орттирилган тажриба Нигина учун 19 сентябрь куни Инчеон (Жанубий Корея)да бошланадиган XVII ёзги Осиё ўйинларида асқотишига ишонамиз.

**Самандар БОБОРАЖАБОВ,**
**ЎзДЖТУ талабаси.**

**Шу йилнинг 19 сентябрь – 4 октябрь кунлари Инчеон (Жанубий Корея)да XVII ёзги Осиё ўйинлари ўтказилади. Ўзига хос қитъа олимпиадаси, дея эътироф этиладиган мазкур нуфузли мусобақада Ватанимиз шарафини 296 нафар ҳамюртимиз спортнинг 32 тури бўйича ҳимоя қилади.**

# Дастлабки учрашувда дуранг




XVII ёзги Осиё ўйинлари дастуридан жой олган жамоавий спорт турлари — футбол, волейбол, баскетбол, чим устида хоккей, қўл тўпи бўйича саралаш учрашувлари бир мунча вақтлироқ бошланган. Жумладан, унда футбол бўйича Миржалол Қосимов бош мураббийлик қилаётган Ўзбекистон терма жамоаси (U-23) ҳам иштирок этмоқда.

Мусобақада қитъамизнинг йигирма тўққиз мамлакати вакиллари саккиз гуруҳга бўлинган ҳолда баҳс юритишяпти. Қуръага кўра, ҳамюртларимиз «В» гуруҳидан жой олган. Унда вакилларимиз Гонгконг, Афғонистон ва Бангладеш футболчилари билан куч синашади.

Кеча Ўзбекистон терма жамоаси илк учрашувни гонгконгликларга қарши ўтказди. Унда 1:1 ҳисоби қайд этилди. Вакилларимиздан тўпни Игорь Сергеев киритди.

Гуруҳдаги иккинчи ўйинда Бангладеш — Афғонистон футболчилари майдонга тушди — 1:0.

Эслатиб ўтамиз, футбол бўйича ҳамюртларимиз 1994 йили Хиросима (Япония)да ўтказилган XII ёзги Осиё ўйинлари ғолиби саналади. Ўшанда Миржалол Қосимов Ўзбекистон терма жамоасини сардор сифатида майдонга бошлаб тушган бўлса, бу гал футболчиларимиз айнан унинг бош мураббийлигида мусобақада қатнашмоқда.

**Ўз мухбиримиз.**

# Бир-биримизни асрайлик

*Орамиздаги одамлар*

Марғилондаги Бобур номли маҳаллада олиб борилаётган хайрли ишлар аллақачон тилга тушган. Бунинг сабаби, аввало, маҳалла аҳлининг аҳил ва ташаббускорлигида. Қолаверса, йиғин раиси ҳамда маслаҳатчининг тажрибали экани ҳам эришаётган натижаларнинг мунтазамлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Маҳфузахон Сатторовани иш устида кузатаман. Муомаласи самимий. Очиқкўнгил. Босиқлик билан гаплашади. Фикрлари теран. Тинглаш маданияти ҳам юқори. Ҳиссиётга берилмайди. Хулоса чиқаришга шошилмайди. Зарурат туғилганда тарафларга бирдек қулоқ солади. Оддий ибораларни қўлласа-да фикрлари салмоқли. Маҳалла маслаҳатчисига мурожаат қилганлар унинг хонасидан руҳи енгиллаб ва тетиклик ҳис қилиб чиқади.

Опанинг беғубор нигоҳида камтарлик ва самимият уфуриб турарди. Суҳбатимиз ҳам оддий гаплардан бошланди.

**— Маҳалла маслаҳатчиси лавозимида ишлашнинг осон ва қийин томонлари нимада?**

— Агар бир сўз билан айтадиган бўлсак, маслаҳатчи — инсоншунос, руҳшуносдир. Бу жуда мураккаб, вазифалари аниқ чегараланмаган аммо миқёси кенг лавозимдир. Мен маҳалламиздаги 5792 нафар аҳолининг ҳаммасини танишим, уларнинг кайфияти, саломатлиги, дунёқарашию эътиқодидан, қай аҳволда турмуш кечираётганидан хабардор бўлишим лозим. Шундагина улар менга ишониб кўнгил очади, мен уларга қўлимдан келган ёрдамни бераман.

**— Қўлингиздан кўп иш келадими?**

— Билмадим. Ҳар ҳолда бизнинг саъй-ҳаракатимиз билан низо чиққан оилалар ярашиб кетгани, мулк талашган ака-ука, опа-сингиллар муросага келганига кўплаб мисоллар келтирса бўлади.

Шунингдек, маҳалламизда ёт оқимга мойил ёшлар йўқлиги, кам таъминланган қайсидир хонадоннинг коммунал тўловига ёрдамлашганимиз, боқувчисини йўқотган ёлғиз қариямиз маҳалла-кўй ардоғида экани ҳам кўпчиликни ҳавасини тортади.

Бизда шаҳардаги маънавий-маърифий тадбирларда фаол иштирок этаётган, ҳатто танловларда ғолиб чиққан намунали оилалар сафи тобора кенгайиб бораяпти. Мана шу хайрли ишларда ҳиссам борлигидан, иштирок этаётганимдан ўзимни бахтиёр ҳис қиламан.

**— Ажралиш кўрсаткичи пастлиги яхши албатта. Баъзан мен ҳамма никоҳлар ҳам севги асосидамикан, деб ўйлаб қоламан.**

— Бу жуда нозик масала. Балки бу ҳақда фикр юритишга ҳаётий тажрибам камдир. Аммо бир оилани биламан. Улар жуда бахтли яшайди. Фарзандлар, набиралар, уй-жой, муқим иш жойи — ҳаммаси етарли. Шу оилани яқинроқдан ўргансам,



мен дунёда энг бахтли инсонлардан бири деб билганим илк муҳаббати — севганига етишолмай умр бўйи яширин, қалбан изтиробда яшаётган экан…

**— Бу нима, тақдирми ёки ўз вақтида ота-онасига қалбидаги туйғуларини ошкора айта олмаслик азобими?**

— Униси ҳам, буниси ҳам. Балки биз ҳаётда етишолмаганимиз: муҳаббат, бахт, омад… учун бу тақдири азалдан, деб ўзимизни овутишга ҳаракат қиламиз. Тақдир ҳукмига ҳадисларда ҳам кўп мисоллар келтирилади. Аслида ҳар бир инсон бахтли ҳаёт қуришга ҳақли ва бунга эришиш учун курашиши лозим. Севганидан розилик олгач, ота-онасига бу ҳақда айтиш беҳаёлик эмас. Ахир ота-она ҳам фарзанди бахтли бўлишини истайдику. Аммо ҳар доим ҳам шундай бўлавермайди. Баъзида йигит-қиз қалбидагини айтишга иродаси етмайди, истиҳола қилади, баъзида ота-она йўл бермайди. Ҳатто «қариндошчилик узилиб кетмасин», дея ака-ука, опа-сингиллар фарзандларини муҳаббатсиз никоҳга мажбурлаган ҳоллар ҳам учрайди-ку.

**— Оилавий масалаларни ҳал қилишда кимнинг «тоши» оғирроқ?**

— Мен саволни бундай қўймаган бўлардим. Оилада эрнинг эрлик, аёлнинг аёллик ўрни бор. Улар ҳеч қачон бир-бирига зид бўлмаган.

**— Сизнингча диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчиси ва маҳалла отинойилари рақобатчи эмасмилар?**

— Йўқ, асло. Тўй ва маросимларни ихчам, камчиқим ўтказиш, балоғатга етмаган қизлар никоҳи олдини олиш, юртимизнинг тарихий жойларига сафар уюштириш… хуллас биз барча масалада маслаҳат билан ҳамкорликда иш олиб борамиз.

**— Маҳалла маслаҳатчиси касбми? Унинг фаолияти самарадорлигини ошириш учун нималар қилиш керак?**

— Менимча биз нафақат ўз шаҳримиз, туманимиз доирасида, балки мамлакат миқёсида ижобий тажрибаларни алмашишимиз зарур. Маслаҳатчиларнинг йиллик форумларини ўтказишни таклиф қилган бўлардим.

**— Партия аъзосимисиз?**

— Йўқ. Лекин Ўзбекистон Халқ демократик партияси ғоялари менинг ҳаётий принципларимга ҳамоҳанг эканини биламан. Шунинг учун бу партия тадбирларида хайрихоҳлар қаторида иштирок этиб тураман.

**— Қайси шоир, ёзувчиларнинг асарларига кўпроқ мурожаат қиласиз?**

— Навоий, Машраб шеърларидаги чуқур маъно, фалсафий мушоҳадалар, Охунжон Ҳакимов ижодидаги туйғуларнинг ёркин ранглари мени ҳамиша ўзига чорлайди.

**— Ёшликдаги дўстларингизни қўмсайсизми?**

— Яқинда орадан 46 йил ўтиб, синфдошлар учрашдик. Билсангиз, қанчалар беғубор ва самимий лаҳзалар ҳадя қилди ҳар биримизга бу учрашув. Аммо уларнинг етти нафари энди орамизда йўқ. Биз бир-биримизни авайлашимиз, асрашимиз қанчалар муҳимлигини янада чуқурроқ англадик.

**Моҳиёра БОЙБОБОЕВА**
**суҳбатлашди.**

ЯНГИ ФИЛЬМ

# «Ота»

**Алишер Навоий номидаги кино саройида «Ўзбеккино» Миллий агентлиги буюртмасига биноан «Ўзбекфильм» киностудиясида суратга олинган «Ота» бадиий фильмининг оммавий ахборот воситалари вакиллари учун премьераолди намойиши ва фильм ижодкорлари иштирокида матбуот конференцияси бўлиб ўтди.**

Фильмда ўзбек оталарига хос бўлган фидойилик, фарзандга бўлган меҳр-муҳаббат, оталик ғурури сингари хислатларга кенг урғу берилган. Ўзи оғир хасталикдан дард чекаётганлигига қарамасдан ногирон фарзандини даволатиш учун сафарга отланган ота барча азоб уқубатларга дош беришга уринади. Сафар давомида ота-болага ёрдам қўлини чўзадиган виждонли, ҳалол инсонлар дуч келади. Бу орқали халқимизга хос бўлган ўзаро меҳр-оқибат, бағрикенглик, эзгулик, инсонийлик сингари фазилатлар кўрсатилади.

— Фильм деярли сўзсиз. Унда юз берадиган воқеа ва ҳодисаларни ҳаракатлар, кўз қарашларда ифодалашга ҳаракат қилдик, — дейди **сценарий муаллифи ва постановкачи режиссёр, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Абдухалил Мигнаров.** — Ҳатто фильмда 19 дақиқалик сўзсиз кадр бор. Ушбу кино томошабинни ўйлашга, ўтган вақт давомида айтилмаган гапларни ўзи англаб етишга ундайди. Фильмни тасвирга олиш жараёнлари Қашқадарё, Бухоро, Жиззах вилоятларида ҳамда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтди. Кадрлардаги табиат тасвирларида юртимизнинг бетакрор манзаралари жуда чиройли акс эттирилган.

«Ота» фильмидаги ролларни Карим Мирходиев, Фотиҳ Очилов, Сайдулла Молдаханов, Беҳзод Ҳамроев, Хурсаной Умарова, Дониёр Ҳафизов, Шаҳло Темирова каби актёрлар ижро этган.

**Карим МИРХОДИЕВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист:**

— Анча пайтдан бери фильмлардан тушаётган таклифларни рад этиб келаётгандим. Чунки актёр ижро этадиган ролида бирор янгиликни ҳис қилиши керак. «Ота» фильмининг сценарийси жуда маъқул бўлди ва ҳеч бир қийинчиликсиз ролимни ижро қилдим. Қанчалик муваффақиятли бўлганига томошабинлар баҳо беришади, албатта.

Фильм премьераси 23 сентябрь куни Алишер Навоий номидаги кино саройи ҳамда Киночилар уйида бўлиб ўтади.

**Фаёза МАЖИДОВА,**
**ЎзМУ талабаси.**

ЭЪЛОН

**Вниманию руководителей организаций и предприятий!**

## СВП СЕЛА ТОШРАБОТ КЫЗЫЛТЕПИНСКОГО РАЙОНА НАВОИЙСКОЙ ОБЛАСТИ ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ

По объекту: **«СВП 3-го типа с обслуживанием населения от 5000 до 7000 посещений на территории сельской больницы села Тошработ Кызылтепинского района Навоийской области» (1-й этап).**

Стартовая стоимость заказчика составляет:

**775 470 675 сумов без НДС,**

**930 564 810 сумов с НДС.**

Срок окончания работ, установленный заказчиком **1 декабря 2014 года.**

Заказчик **СВП села Тошработ Кызылтепинского района,** расположен по адресу: **Кызылтепинский район, ССГ Х.Хасан МСГ Калъаи Азизон.**

Финансирование проекта будет осуществляться **за счет средств местного бюджета.**

(При прочих равных условиях предпочтение отдается субъектам малого бизнеса)

С 1 июля 2014 года к конкурсным торгам по выполнению строительно-монтажных работ на объектах, финансируемых за счет централизованных капитальных вложений, допускаются исключительно подрядные организации, включенные в Реестр строительно-подрядных организаций.

**Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов должны соответствовать следующим требованиям:** иметь оборотные средства в размере не менее 20% от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственные базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций при оценки конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников конкурсные предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, достчитываются на сумму указанного налога.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торгов в **Территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве по Навоийской области** по адресу г. Навои, ул. Гвасалия 2-А, телефоны: 225-49-96, 225-47-98

Стоимость одного комплекта документов — **100 000 сумов.**

Оферты принимаются организатором торгов по адресу: г. Навои, ул.Гвасалия 2-А,

телефоны: 225-49-96, 225-47-98

**Последний срок представления оферт организатору торгов — к дню и часу вскрытия оферт.**

Вскрытие оферт состоится по адресу г.Навои, ул. Гвасалия 2-А не менее чем через 30 дней после опубликования объявления.

**ОБ-ҲАВО** 16-17.09 — 2014

Юртимиз бўйлаб (˚С)

| Ҳудуд | Тунда | Кундузи |
|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти | +11 / +16 | +30 / +35 |
| Бухоро ва Навоий вилоятлари | +11 / +16 | +28 / +33 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари | +11 / +16 | +28 / +33 |
| Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари | +13 / +18 | +30 / +35 |
| Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари | +11 / +16 | +27 / +32 |
| Тошкент шаҳри | +12 / +14 | +30 / +32 |



Дунё бўйлаб (˚С)

| | |
|---|---|
| Лондон | +21 / +22 |
| Париж | +24 / +23 |
| Москва | +16 / +17 |
| Мадрид | +27 / +22 |
| Пекин | +24 / +21 |
| Канберра | +14 / +14 |
| Рим | +26 / +26 |
| Афина | +27 / +26 |
| Токио | +26 / +25 |
| Стокгольм | +17 / +16 |
| Кейптаун | +22 / +19 |
| Қоҳира | +36 / +31 |
| Гавана | +31 / +31 |
| Вашингтон | +26 / +23 |

Сергели туман ҳокимияти томонидан «Наврўз» маҳалла фуқаролар йиғинига берилган, давлат рўйхатидан ўтган далолатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

**MUASSIS:**
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

**TAHRIR HAY'ATI:**
Abdulla ORIPOV, Hotamjon KETMONOV, Ulug'bek VAFOYEV, Rustam KAMILOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV, Farrux HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari), Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 959
11425 nusxada bosildi.
Nashr ko`rsatkichi – 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 20.50
Topshirilgan vaqti — 23.00

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Alisher RO`ZIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV, Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5